



ИҚТИСОДИЁТГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА АҚШ ВА ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ

Ҳошимов Жаҳонгир Равшанбек ўғли -
Тошкент молия институти, Баҳолаш иши ва
инвестициялар кафедраси доценти в.б. PhD

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a61](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a61)

Аннотация. Мақолада иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишда АҚШ ва Хитой тажрибаси ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш борасида илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ қилиш йўллари ёритилган. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги тажрибалардан келиб чиқиб, таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: хорижий инвестиция, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, инвестицион муҳит, ЯИМ, экспорт ва импорт, самарадорлик.

ОПЫТ США И КИТАЯ ПО ПРИВЛЕЧЕНИЮ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ

Ҳошимов Жаҳонгир Равшанбек ўғли -
Ташкентский финансовый институт, в.б.доцент
PhD кафедры «Оценочное дело и инвестиции»

Аннотация. В статье рассматривается опыт США и Китая по привлечению иностранных инвестиций в экономику. Есть также способы применения на практике передового опыта по повышению привлекательности инвестиционной среды в Узбекистане. На основе их опыта привлечения иностранных инвестиций сформированы предложения и рекомендации.

Ключевые слова: иностранные инвестиции, прямые иностранные инвестиции, инвестиционная среда, ВВП, экспорт и импорт, эффективность.

US AND CHINA EXPERIENCE IN ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT IN THE ECONOMY

Khoshimov Jahongir Ravshanbek ugli -
Tashkent Financial Institute, доцент, PhD,
Department "Appraisal and Investments"

Abstract. The article examines the experience of the United States and China in attracting foreign investment to the economy. It also outlines ways to apply best practices to increase the attractiveness of the investment climate in Uzbekistan. Proposals and recommendations have been formed based on the experience of attracting foreign investment.

Keywords: foreign investment, foreign direct investment, investment climate, GDP, exports and imports, efficiency.

Кириш. Глобаллашув жараёнида ривожланаётган мамлакатлар томонидан хорижий сармоялардан миллий хўжалик тараққиётини жадаллаштириш мақсадида самарали фойдаланиш сиёсати XX асрнинг 60-70 йилларида ва бугунги кунда кенг амалга оширилмоқда. Бу борадаги саноатлашган ёки ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам бой ва кенг қамровлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг эркин бозор муносабатларига ўтиш жараёнида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарасини таъминлаш учун хориж сармоясини иқтисодиётга жалб қилиш ва ундан оқилона фойдаланишда дунё тажрибасидан фойдаланиш муҳимдир. Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, глобал тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими 2020 йилда 846 миллиард долларга тушиб кетди, бу 2019 йилга нисбатан 38 фоизга камайган. COVID-19 пандемияси барқарор пасайишни тезлаштирди ва глобал тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг пасайишига олиб

келди. Бу 2005 йилдан бери энг паст даражадаги кўрсаткич ҳисобланади. 2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими жаҳон ялпи ички маҳсулотининг – атиги 1 фоизини ташкил этди, бу 1999 йилдан бери энг паст кўрсаткичдир [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодиётни жадал ривожлантириш кўп томонлама ва кенг миқёсдаги хорижий инвестицияларни талаб этади. Демак, хорижий инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч бўлиб, барча имкониятлардан оқилона фойдаланиб, миллий иқтисодиётга жалб этиладиган инвестициялар ҳажми ва сифатини ошириш тақозо этилади.

Иқтисодчи олимлар томонидан хорижий инвестициялар тушунчасига қуйдагича таъриф берилган. «Хорижий инвестициялар активлар эгасининг тўлиқ ёки қисман назорати остида моддий бойлик яратиш мақсадида фойдаланиш учун моддий ва номоддий бойликларнинг

бир мамлакатдан бошқасига ўтказилишини англатади» [2].

М.Семочкина – хорижий инвестициялар – чет эллик инвесторлар томонидан фойда олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти объектларига жойлаштириладиган пул қийматидаги мулккий ва номулкий ҳуқуқлардир [3].

Н.Левенцев, Г.Костюнина – хорижий инвестициялар – муайян бир мамлакат резидентларининг активлардан фойдаланиш устидан назоратни қўлга киритиш учун бошқа мамлакатларнинг активларига эгалик қилишини англатади [4].

Г.Оксюттик – хорижий инвестициялар – узок муддат мобайнида даромадга эга бўлиш мақсадида ўзга мамлакатга капитал жойлаштиришни англатади. Бу турдаги инвестициялар асосий капитални янгилаш ва кенгайтириш, инвестиция сиёсатини амалга ошириш, миллий иқтисодиётнинг юксалиши ва ривожланишини таъминлаш, бозорни рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдириш учун мамлакат ресурсларини сезиларли даражада оширадиган қўшимча капитал манбаи [5].

Г.Каримова – хорижий инвестициялар иқтисодий, ижтимоий ва бошқа турдаги самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига хорижий капиталнинг киритилишидир [6].

Н.Каримов – хорижий инвестициялар – мутлақ бошқа мамлакат иқтисодиётига ички инвестициялар билан таққослаганда, юқори даражадаги даромадни кўзлаб жойлаштириладиган ресурслар [7].

Н.Кўзиёева - келгусида фойда олиш мақсадида капитални экспорт қилувчи хорижий давлатлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг капитални қабул қилувчи мамлакатларга турли кўринишдаги бойликлар (кўчар, кўчмас мол-мулк, интеллектуал бойликлар ва шу кабилар) ва улардан олинган даромадлар (фойда, фоизлар, дивидендлар, лицензия ва комисион мукофотлар, роялти, техник таъминот ва бошқа мукофотлар)нинг қўйилишига хорижий инвестициялар дейилади [8].

Д.Ғозибеков – чет эл инвестициялари бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан рисклар кенглиги билан фарқланган ҳолда, ҳуқуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради [9].

К.Хошимов – чет эл инвестициялари – чет эл мулкдорлари томонидан маълум капитални бир иқтисодиётдан мутлақ бошқа мамлакат иқтисодиётининг қонун билан таъқиқланмаган турли тармоқларига аниқ ва ноаниқ рискларни

ҳисобга олган ҳолда, ўз манфаатига эришиш, нисбатан юқори даражада самара олиш мақсадида муайян муддатга сафарбар этадиган барча мулккий, молиявий, интеллектуал бойликлардир [10].

Хорижий инвестицияларга ўзига хос таъриф қонунчиликда ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунида уларга қуйидагича таъриф берилган: «Чет эл инвестициялари – чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, реинвестициялар» [11].

Шундай қилиб, юқоридагилардан яққол кўриниб турибдики, ҳақиқатдан ҳам ҳозирги пайтда иқтисодий адабиётларда хорижий инвестициялар моҳиятини аниқлаш мақсадида эътиборга лойиқ ишлар қилиниб, кўплаб таърифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада абстракт-мантиқий фикрлаш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ривожлантириш бўйича катта амалий тажрибага эга бўлган мамлакатлар тажрибаларини кўриб чиқамиз. АҚШ иқтисодий салоҳияти ва ривожланиш даражаси бўйича дунёнинг етакчи мамлакатларидан биридир.

Сўнгги маълумотлар асосида айтиш мумкинки, ушбу мамлакатнинг иқтисодий ҳолати ва ривожланиш даражасининг динамикаси жаҳон иқтисодиёти тенденциясига жиддий таъсир кўрсатиб келмоқда. АҚШ ЯИМ ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринни, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми бўйича йирик 10 та мамлакатдан бири ҳисобланади. АҚШ олтин валюта захираси жаҳон валюта захираларининг 67 %га яқин миқдорини ташкил этди [12].


1-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, АҚШ бугунги кунда дунёда яратилаётган ЯИМнинг деярли чорак қисмига эгалик қилмоқда ва бу кўрсаткич йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолат таҳлилини рақамларда кузатадиган бўлсак, 2013 йилда АҚШ дунё ЯИМнинг қарийб 77219000 млн. АҚШ доллари улушига эгалик қилган бўлса, 2018 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 83899000 млн. АҚШ долларини қайд этганлигини ва бу билан бугунги кунда дунёда иқтисодий жиҳатдан энг қудратли давлат эканлигини англатади.



1-расм. 2013-2020 йилларда жаҳон мамлакатлари ва АҚШ ЯИМнинг ўзгариши [13]

2-расм маълумотларидан кўринадик, АҚШ иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими 2020 йилда 120,7 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Коронавирус пандемияси таъсири натижасида

АҚШда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими 49 фоиз камайиб кетганини кўришимиз мумкин. Бундай ҳолат, асосан, улгуржи савдо, молиявий хизматлар ва ишлаб чиқаришда юз берди.




2-расм. 2014-2020 йилларда АҚШ иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими (млрд. АҚШ доллари) [14]

Бугунги кунда барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга бўлган талаби ортиб бормоқда. Чунки инвестициялар иқтисодиётни ривожлантирувчи асосий генератор вазифасини бажаради. Сўнгги 12 йилликда дунё мамлакатларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ўзгариши кузатилган (3-расм).

Таҳлиллар кўрсатишича, 2009-2020 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими тебраниб турган. Бунинг асосий сабабларидан бири 2008-2009 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодиётнинг барча тармоқларига кўрсатган салбий таъсири бўлса, иккинчи томондан, 2014-2015 йил

лардаги Европа давлатларида бошланган инқирознинг иккинчи тўлқинининг умумий кўрсаткичларга таъсири, учинчи томондан, 2019-2020 йиллардаги коронавирус пандемиясига таъсири деб эътироф этишимиз мумкин.

Сўнгги йиллардаги молиявий инқироз ва коронавирус пандемияси нафақат иқтисодиётни заифлаштирди, балки аҳолининг камбағал ва молиявий жиҳатдан гуруҳларга бўлинишини жадаллаштирди. Ишсизлар сони ортишига, кўп сонли аҳоли даромадларининг камайишига, турли хизматлар ва товарларга бўлган талабнинг пасайишига олиб келиб, пировардида мамлакатлар ўртасидаги кўчиб юривчи хорижий инвестицияларнинг оқимига ҳам жиддий таъсири кўрсатди.



3-расм. 2009-2020 йилларда дунё мамлакатларига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ўзгариши (трлн. АҚШ доллари) [15]

Айтиб ўтишимиз ўринлики, мамлакатларга жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг асосий қисми эркин иқтисодий ҳудудларга ва дунё мамлакатларининг реал сектори тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Дунё миқёсида ривожланган ва янги индустриал мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бу борада эркин иқтисодий ҳудудларда яратилган инфратузилма тармоқлари ва қулай инвестицион муҳит хорижий инвестицияларни ўзлаштиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича самарали тажрибага эга давлатларга Хитой, Ҳиндистон, Сингапур, Малайзия, Норвегия, Гонконг, Бразилия, Аргентина, Уругвай кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

1. Хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича жаҳон тажрибасини мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, географик-иқлим, геосиёсий ва тарихий шарт-шароитлари ва бошқа хусусиятларни инобатга олган ҳолда уларни гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

2. Инвестицион муҳитнинг шакллантирилиши алоҳида олинган мамлакатларнинг стратегик мақсадлари, глобаллашув жараёнида жаҳон ҳўжалигига қўшилиш шарт-шароитлари ва туб миллий манфаатларига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

3. Хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича жаҳон тажрибаси ўрганилганда, бу жараённинг умумий қонуниятлари ва тенденцияларини аниқлаш муҳим илмий-услубий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон иқтисодиётининг тарихан шаклланган таркиби, мулкӣ муносабатларнинг характери, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш-

дан кутилаётган ижтимоий-иқтисодий натижалар кўлами ва йўналишлари, минтақавий интеграцион алоқаларнинг хусусиятлари, мамлакатнинг табиий-географик жойлашуви ва иқлим шароитлари кабилар инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш бўйича ҳамма мамлакатларнинг ҳам тажрибасини тўғридан-тўғри олиш имкониятини бермайди. Биз учун кўпроқ ривожланаётган мамлакатлар, хусусан, ўтиш даври мамлакатларининг тажрибасидан ижобий жиҳатларини олиш мақсадга мувофиқ. Чунки бу мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг мулкӣ, технологик ташкилий таркиби бизнинг иқтисодиётга ўхшаш ва ислоҳотларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш йўналишлари ҳам мазмун жиҳатидан яқин ҳисобланади. АҚШ, Германия, Франция, Япония каби саноатлашган давлатларнинг инвестицион режими ва хорижий капиталга яратилган шарт-шароитларни биз шундайлигича қўллашимиз тўғри бўлмайди, аксинча, бунда Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳолати, иқтисодий ривожланиши ва стратегияси ҳамда ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Шарқий Европа ва баъзи Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларининг хориж капиталини импорт қилиш тажрибаси ҳам уларнинг иқтисодиёти трансформациялашуви жараёни кўп жиҳатдан Ўзбекистондаги ўхшаш жараёнлардан фарқ қилиши сабабли биз учун у қадар жозибали, дея олмаймиз.


Жаҳон амалиётида тўпланган улкан тажрибалар шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти хорижий инвестициялар оқимини мамлакат иқтисодиётига жалб этишда муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Хорижий инвестициялар ёрдамида юқори инвестицион ва иқтисодий самарадорликка эришган давлатлардан бири Хитой тажрибасини кўриб чиқамиз.

Ривожланган мамлакатлар ичида Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиш модели ва хорижий инвестицияларни жалб этиш тажрибасини Ўзбекистон шароитида татиқ этиш, улардан фойдаланиш келажакда мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан бунданда юқори суръатларда ривожланиши, аҳолининг даромад манбаи кўпайишини таъминлашга хизмат қилади.

Хитой Халқ Республикасини йиллар давомида, айниқса, АҚШ билан таққослаганда, узоқ вақтдан бери тўғридан-тўғри хорижий сармоялар биринчи ўринда туради. Бирлашган

Миллатлар Ташкилотининг таъкидлашича, Хитойнинг ўсишига «технология билан боғлиқ саноат, электрон тижорат, тадқиқот ва ишлаб чиқиш сабаб бўлган»ни кўришимиз мумкин.

Хорижий инвестицияларга оид статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2010-2020 йилларда Хитойга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 42 фоизга ўсган ва бу билан Хитой 2020 йилда биринчи марта дунёдаги энг кўп хорижий инвестицияларни жалб қилувчи мамлакат сифатида танилган.



4-расм. 2010-2020 йилларда Хитойга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми (млрд. АҚШ долларида) [16]

Хитойнинг хорижий инвестицияларни жалб этишда эришилган муваффақиятлари эса кўп жиҳатдан мамлакатда қулай инвестиция шароитининг яратилганлиги билан боғлиқ. Ишчи кучи қийматининг арзонлиги, ердан фойдаланиш ҳуқуқларининг арзонлиги, ишлаб чиқаришга қаратилган капитал учун кенг кўламли имтиёзлар, ижтимоий-маиший инфратузилманинг ривожланганлиги каби ҳолатлар Хитойнинг кейинги 25-30 йил ичида хорижий инвестициялар учун капитал киритиш объектига айланишига олиб келди.

Хитойда қабул қилинган бож жорий этиш тартиби, ривожланган ташқи иқтисодий, валюта қонунчилиги қулай инвестицион муҳитнинг асосий элементлари ҳисобланади. 1979 йилда Хитой экспорти 13,7 млрд. АҚШ доллари бўлган бўлса, 2010 йилга келиб, мазкур кўрсаткич 1506 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди [17]. Бу рақамлар 2020 йилда янада ошиб, 2591 млрд. АҚШ долларига етди. 1979 йил билан солиштирилганда, 40 йил оралиғида қарийб 200 баробарга ошганлигини кўриш мумкин.

Таҳлил этилган йилларда Хитой экспорти ҳажмида 2015-2016 йиллар оралиғида бироз пасайиш кузатилган. Фикримизча, АҚШ билан

бўлаётган савдо уруши бунга таъсир кўрсатган. Бу пасайиш суръатлари вақтинчалик характерга эга. Чунки бир томондан, Хитой экспорти паст таннархи туфайли рақобатбардош ҳисобланади, иккинчи томондан, Хитой аксарият маҳсулотлар бўйича жаҳон бозорида монополь мавқега эга.


Хитойнинг хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати йиллар давомида такомиллашиб келмоқда. Бу сиёсатнинг ривожланиш жараёнини шартли равишда учта босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич ўз ичига 1979-1982 йилларни қамраб олди. Бу давр очиқ эшиклар сиёсати шаклланишининг бошланғич даври бўлди. 1980 йиллар бошида маҳаллий ҳукуматларга хорижий инвестицияларни жалб этиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш ҳуқуқини берган эди. Бу даврда хорижий инвестициялар учун жудда катта имтиёзлар берилган эди.

Иккинчи босқич 1983-1991 йиллардан иборат бўлиб, бу даврда хорижий инвестицияларни жалб этиш сиёсатининг сезиларли даражада такомиллаштирилишига эришилган. Қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга катта имтиёзлар

берилди. Улар учун даромад солиғининг ставкаси 33 фоизгача камайтирилди. Ваҳоланки, бу даврда маҳаллий корхона учун даромад солиғи 55 фоизни ташкил қилар эди. Агар хорижий ин-

вестиция иштирокидаги корхоналар ўз фаолиятини маҳсус иқтисодий зоналарда амалга ошираётган бўлса, улар учун бу ставка яна ҳам кам миқдорда, яъни 15 фоиз қилиб белгиланган эди.



5-расм. 2013-2020 йилларда Хитой экспорт ҳажми ва унинг жаҳон экспортдаги улуши [18]

Учинчи босқич 1992 йилдан ҳозирги вақтга қадар давом этмоқда. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг илгари улар учун ёпиқ бўлган секторларига, яъни молия, суғурта ва бошқа соҳаларга жалб этилиши айнан 1992 йилдан кейин бошланди. Бундай ислохотларнинг самарасини айтишимиз мумкинки, Хитой XXI аср бошида хорижий инвестициялар учун энг жозибали мамлакатлардан бирига айланди.

UNCTAD [19] томонидан нашр этилган 2021 йил Жаҳон инвестициялари ҳисоботининг маълумотларига кўра, Хитойга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими 2020 йилда 6 фоизга ошиб, 149 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, бу 2019 йилдаги 141 млрд. АҚШ долларидан 149 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг акциялари 2020 йилда 1918 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, бу 2010 йилдаги кўрсаткич билан таққослаганда 587 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 2020 йилнинг иккинчи чорагида инвестиция чекловларининг олиб ташланиши ЯИМнинг ижобий ўсишига, инвестицияларни қўллаб-қувватлашга ёрдам берди.

2020 йилда Хитой тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат сифатида дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллади. Мамлакат Осиёдаги энг йирик қабул қилувчи ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг чиқиши бўйича етакчи давлатдир. Хитойнинг асосий сармоядорлари янада барқарорлашди. АҚШ ва Европадан келадиган хорижий инвестициялар оқимлари камайди, лекин АСЕАН мамлакатларидан хорижий инвестициялар оқимлари ўсиши билан минтақавий сар-

мойлар ўсишда давом этди. Сингапур, Виржиния ороллари, Жанубий Корея, Кайман ороллари, Япония, Германия ва АҚШ йирик инвесторлар қаторига киради. Инвестициялар, асосан, ишлаб чиқариш, кўчмас мулк, бизнес ва хизматлар, лизинг, компьютер хизматлари, улгуржи ва чакана савдо, молиявий воситачилик, илмий тадқиқотлар, транспорт, энергетика ва қурилишга йўналтирилган.

Хитой 2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг энг катта маблағ олувчиси бўлди, чунки коронавирус тарқалиши йил давомида бутун дунё бўйлаб тарқалди. Расмий маълумотларга кўра, 2019 йили Хитой ЯИМ 2,3 фоизга ўсди, бу Хитойни ўтган йили қисқаришининг олдини олган дунёдаги ягона йирик иқтисодиётга айлантди. Дунёнинг иккинчи йирик иқтисодиёти кўпчиликни коронавирус тебранишидан қутулиш тезлиги билан ҳайратда қолдирди, айниқса, сиёсатчилар АҚШ ва Хитойнинг савдо-сотик ва бошқа жабҳалардаги кескин муносабатларини бошқаришга мажбур бўлишди.

Хулоса ва таклифлар. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича халқаро тажрибаларга таяниб, Ўзбекистонда инвестицион жозибдорликни оширишда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

хорижий инвесторларни мамлакатнинг иқтисодий-инвестицион салоҳияти, бизнес юришти учун яратилган шарт-шароитлар ва ҳуқуқий кафолатлар тўғрисида кенг хабардор қилиш мақсадида халқаро анжуманлар ва инвестицион форумлар ташкил этишни жадаллаштириш, бу борада видеороликлар тайёрлаш;

қўшма корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдорини ҳамда ушбу турдаги корхоналар устав фондининг энг кам миқдорини янада камайтириш;

махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ишларини янада жадаллаштириш, ушбу зоналарга йирик стратегик инвесторларни жалб қилиш;

Ўзбекистоннинг харқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини мустаҳкамлаш;

чет эллик инвесторларга инвестицион объектларни тақдим этишнинг самарали тизи-

мини яратиш (ахборот билан таъминлаш, реклама, ҳукумат ва бизнес вакилларининг қўшма учрашувлари, ишлаб чиқариш инфратузилмаси таъминоти ва ш.к.);

йирик саноат соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар, тижорат банклари каби ташкилотлар устав капиталларидаги давлат акцияларини чет эллик салоҳиятли инвесторга сотиш; давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишга чет эллик инвесторларни жалб қилиш шулар жумласидандир.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. UNCTAD маълумотлари асосида илмий изланишлар натижасида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.
2. Международное право об иностранных инвестициях. // Высшее образование в Кембридже (cambridge.org).
3. Семочкина М.А. Инвестиционная деятельность с участием иностранных инвесторов в Российской Федерации (правовой аспект). Дисс. на соиск. уч. ст. канд. юрид. наук. – М.: МГУ. С. 152.
4. Левенцев Н.Н., Костюнина Г.М. Международное движение капитала: инвестиционная политика зарубежных стран. Учебник. – М.: Экономист, 2007. С. 8.
5. Оксютик Г.П. Иностранные инвестиции в России. Монография. – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2014. С. 11-13.
6. Каримова Г.А. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларини жалб қилишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. – Т.: ТМИ, 2019. 13-б.
7. Каримов Н.Г. Иностранные инвестиции в экономику Республики Узбекистан и их финансовое обеспечение: автореферат дис. ... кандидата экономических наук: 08.00.10. – Т.: ТФИ, 1998. С. 6.
8. Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Иқт. фан. док. илм. дар. Олиш учун ёз. дисс. автореф. – Т.: БМА, 2008. 11-бет.
9. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Монография. – Т.: Молия, 2003. 45-б.
10. Хошимов Қ.Б. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф. – Т.: БМА, 2004. 7-б.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги «Инвестиция ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-598-сонли қонуни, 3-модда.
12. <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.PCAP.CD?locations=US>
13. Жаҳон банкнинг расмий веб-сайти маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тузилган. www.data.worldbank.org
14. Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг расмий сайти. <https://www.bea.gov/news/2021/new-foreign-direct-investment-united-states-2020>
15. Жаҳон банкнинг расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
16. Статистик маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди: <https://www.statista.com/statistics/1016973/china-foreign-direct-investment-inflows/>
17. <http://forum.politikaonline.ru/index.php.showtopic>
18. Жаҳон банкнинг расмий веб-сайти. <https://www.researchgate.net>. маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тузилган.
19. <https://santandertrade.com/en/portal/establish-overseas/china/foreign-investment#fdi>.